

Ким таҳорат олса ва таҳоратни мукаммал қилиб

23:25 / 27.02.2018 3085

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким таҳорат олса ва таҳоратни мукаммал қилиб, сўнгра: «Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росулуҳу», деса, унга жаннатнинг саккизта эшиги очилиб, хоҳлаганидан кираверади», дедилар.

Имом Муслим ривоятлари

Имом Термизий **«Аллоҳуммажъалний минат таввабийна важъалний минал мутатоҳҳирийн»** калимасини зиёда қилганлар.

Маъноси: «Эй бор Худоё! Мени кўп тавба қилувчилардан ва покланувчилардан қилгин»